



# Туркистон

Элим деб, юртим деб

ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 июль, чоршанба. №53 (14335)

## ИСТИҚЛОДИНГ АБАДИЙ, ВАТАН!

### ОФИР САВОЛЛАР

Шу кунларда ёшларимиз катта имтиҳон олдида турибди. Ким институтга, ким университетга, ким коллеж ёки лицейга имтиҳон топширади. Ёш қалбларни умид, ишонч, катта орзу ва катта мақсадлар қамраб олган. Ёшларга қўшилиб барча ота-оналар, ўқувчи ва мураббийлар, бутун халқимиз ҳам имтиҳондан ўтади, десак хато бўлмайди. Ҳадемай қилинган кўп йиллик меҳнат, чекилган машаққат самараси кўрилади.

Ёшлар катта имтиҳонга тайёрланмоқда. Шу билан бирга ҳар бир ёш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси яна бир имтиҳондан — виждон имтиҳонидан ўтишга шайланмоқда. Бу — мустақилликнинг тўққиз йилли арафасида ҳар бир кишининг ўз виждонига берадиган ҳисоботи, ўз виждони имтиҳонидан ўтишидир.

Раҳбар ё бошлиққа ҳисобот тайёрлаш осон. Энг қаттиққўл ўқитувчининг имтиҳонидан ўтиш ҳам қийин эмас. Аммо сокин тунларда уйку қочганда... ўзингиз билан ёлғиз қолганда виждон имтиҳонидан қандай ўтасиз?

Буни имтиҳон ҳам, сўроқ ҳам дейиш мумкин. Сўроқлар кўп, аммо энг одил сўроқ: Мен ўз ишимга, ўз жамоамга, эл-юртга, мустақилликка муносиб-

манми?

Ҳўш, муносибимизми? Биз Ватан учун, Мустақиллик учун ўзини фидо этаётганлар томониданми ёки шу тушунчалар ҳақида чиройли гапларни гапирётганлар тарафиданми?

Озодлик ойдан ёки осмондан тушмаганини ёки кимдир уни бизга тайёр холда тортиқ этмаганини тушунамизми?

Мустақиллик ҳақидаги тушунчамиз, эътиқодимиз мустақилликми? Баъзан ўйлашиб қолсан, киши: ёшлар — келажакимиз, эртанги умидимиз, деймиз. Келажакимиз ҳуррият, эртанги кунимиз ҳурлик бўлса, ёшларимиз шу мустақилликка муносибми? Ўз мустақиллигининг қадрига етмагани учун не не гуркираган давлатларнинг инқирозига юз тутганига тарихда мисоллар жуда кўп.

Узун тарихнинг бундайин лўнда, ширин ҳаётнинг бундайин аччиқ ҳақиқатини бугунги ёшларимиз англаб етдиларми?

**ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ!** Истиқлол йилларида давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи чандон

ошди. Бутун дунё диёримиздаги улкан янгилинишларни тан олди. Қилаётган ҳар бир ишимизни диққат билан кузатиб, ҳолис ва адолатли баҳо бермоқда. Ҳаётимиз узоқ-яқиндаги кўшилариимизнинг турмуши билан қиёсланганда бундай эътирофнинг сабаби аён бўлади.

Юртдошларимизнинг бунёдкор меҳнати билан

миллатимизнинг кўрки, қудрати бўлиш билан бирга, бошқа халқлар, давлатлар билан тенгма-тенг муомалага кира олиш салоҳиятига эгадир.

Биз бугун миллат сифатидаги кадр-кимматимизни, кимларнинг фарзанди эканлигимизни англаб етдик. Ўзлик ва Мустақиллик гоёларининг одамларимиз онгидан мустақкам ўрин

ти ҳолис кишини Яратганнинг ўзи қўлайди, деган гап бор. Мақсадларимизга эришиш учун олдимизда турган тўсиқ ва говларни енгиб ўтишимизга ишончим комил. Бутун ақл-заковатимизни, салоҳиятимизни юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти, халқаро майдондаги обрў-эътибори янада ошиши учун сафар-

ришимиз, ҳамдўстлик ришталарини мустақкамлашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик бугунги кундаги ютуқларимизнинг асоси бўлмоқда. Бу осойишта ҳаётимизни кўз қорачигидек асрашга, ҳимоя қилмоққа қодир бўлмоғимиз керак. Шундай ёшларни тарбиялаб вояга етказмо-

### СЎЗИМИЗ, ФИКРИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА МУНОСИБ БЎЛСИН

Куни кеча Оқсарой қароргоҳида Президентнинг давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, омавий ахборот воситалари раҳбарлари, зиёлилар вакиллари иштирокида Ватанимиз Мустақиллигининг



ШВЕЦАРИЯда бўлиб ўтган судда "Моссад" Исроил разведкаси агентининг иши кўрилди. Судланувчи жосуликда айбланиб ва ўз айбига иқроор бўлди. Суд якунига кўра агент Исаак Бен-тал шартли равишда 12 ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

**БЕЛОРУССИЯ**лик теннисчи Владимир Вольчков Уимблдон теннис турнирида яна бир шовшувни ууддалай келтиришни ууддалай олмади. Ярим финалда у дунёнинг биринчи ракеткачиси Пит Сампрасга 3 сетда ўйинни бой берди. Энди финалда америкалик теннисчи австралиялик Патрик Рафтор билан беллашади.

**ЧЕЧЕНИСТОН** яқиндаги Аргун ҳудудида содир этилган террорда гумон қилинаётган 30 киши ҳибсга олинди. Россия телевидениесининг маълумотиға қараганда, қўлга олинганларнинг иккитаси айбига иқроор бўлган.

**Хориж матбуоти асосида Меҳрибон МИРТОЛИБОВА тайёрлади**

Салим АШУРОВ

# ВИЖДОН ИМТИҲОНИ



**Порла, порла, Ватан баирози!**

шаҳарларимиз, қишлоқларимиз қиёфаси йил сайин кўркамлашиб, файз-барокатли бўлиб бормоқда. Энг муҳими, фуқароларимиз, мен кеча ким эдимиз бугун ким бўлдим, деган саволга ўз ҳаётларидан жавоб топмоқдалар. Янгича ҳаёт одамларимизнинг тафаккурини янгиламоқда. Истиқлол гоёлари онгини шакллантирган янги авлод камолга етмоқда. Бу авлод

олгани бизнинг энг катта ютуғимиздир. Зотан, ўз қадрини юксак тутган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди!

Бизнинг орзу-ниятларимиз кўп ва улғу. Халқимизда ўзи пок, дили пок, ния-

эришаск, ҳеч биримизнинг ҳеч қандай армонимиз қолмас эди.

Эзгу ниятимизнинг рўёбга чиқиши учун таракли толган маърифатли дунё билан бирга яшашимиз, ҳамкорликни кучайти-

гимиз зарур.

Озодлигимизнинг тўққиз йиллик тарихи бизга кўп нарсани ўргатди. Бу ёруғ оламда авваламбор Яратганга, кейин ўзинга, қолаверса, ота-боболаримиздан қолган бой меросга, миллий қадриятларимизга ишонмоқ лозимлигини англаб етдик. Миллатимиз ўзининг мард, эркпарвар, инсонларвар табиати билангина асрлар чигиригидан бутун чиқиб келмоқда.

Халқимизнинг энг ноёб фазилатларидан бири унинг бир тан-бир жон бўлиб яшашига кўзга ташланади. Шу сабабли бизда ҳеч ким яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёлғизлатиб қўйилмайди. Халқимиз яхшилик қилган, меҳр-муруватли, оқил одам ҳеч қачон кам бўлмайди, деган қоида билан яшайди. Шундай халқ ҳам, шундай юртининг ўзи ҳам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ўтган тўққиз йил халқимизнинг иродасини чиққирди, имонини бақувват қилди. Ориятли, ор-номусли авлод камол топди. Танлаган йўлимизнинг тўғрилигиға, мақсадиимизнинг ҳақлигиға одамларимиз тўла ишонди.

тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуман таассуротлари ҳақида гапирар экан, таниқли журналистлардан бири шундай деди: "Барча битта издан ўтиб қайтаверса, битта йўлдан юрса, у ер қотиб, ҳеч нарсасига ярамай қолади. Эркинлигимиз ўз қўлимизда бўлса, нега энди ҳар биримиз ўз йўлимизни топиб юрмаймиз? Бирор воқеа ёки ҳодиса ҳақида ўз фикримизни, ўз сўзимизни айтмаймиз?"

Мустақиллик берган энг катта имконият — ўз Сўзимизни, ўз Фикримизни баралла айтиш имкониятидир. Фақат бир андиша бор: бу Сўз, бу Фикр Истиқлолга мос бўлиши керак.

Юртбошимиз юқорида қайд этилган анжуманда биз журналистлар Мустақилликка мосу хос Сўзини, Истиқлолга муносиб Фикрини топиб айтишимиз лозимлигини таъкидладилар.

### "Умид"нинг умидлари

— **Эришган муваффақиятларингизнинг сирини нимада?**  
— Тинимсиз излаш ва меҳнатда деб ўйлайман. Чунки ҳарқат қилинмаса бирор иш амалга ошмайди, деган иборатга болалигимдан амал қилиб келаман. Бундан ташқари мен учун олтиндан ҳам қиммат бўлган вақтни тўғри тежашга ҳарқат қиламан.

— **"Умид" жамғармаси кўпгина билимга чанқоқ ёшларнинг орзусини амалга оширяпти. Ушанда, голиб ёшлар қаторида хорижда ўқишингизга ишонармидингиз?**

— 1997 йилнинг мартда "Умид" танловига уч мингга яқин талаба хорижда ўқиш учун ҳужжат топширишганди. Ушалар қаторида мен ҳам бор эдим. Барчаси билимга, зукко ёшлар. Синолда анча қийналдим, бирок ўзимга бўлган ишонч барчасини энгди. Ва мен "Умид" совриндори бўлдим. Бу мен учун катта бахт эди.

— **Америкадаги таълим тизими сизни қониқтирганми?**  
— У ерда таълим тизими бошқача. Дарслар эркин ўтилади. Талаба дарс жадвалини вақтига қараб ўзи тузади.  
— **Баҳолаш тизими қандай?**  
— Талаба семестр давомида йиққан балларининг физи асосида баҳоланади. Масалан, 80-90 баллга "А" ҳарфи, яъни "4"

(бу энг яхши баҳо), 70-80 баллга "В" ҳарфи, яъни "3", 60-70 баллгача "С" ҳарфи, яъни "2" билан белгиланади. Бундан ташқари "D" — энг қониқарли, ёки "F" — йиқилди каби баҳолар ҳам мавжуд. Магистратура-

бир кун олдин талабалар университетидан майдонга йиғилишади. Ва ўртага тўрт қават бино баландлигида гулхан ёқиб қўшиқ айтади, рақсга тушишади. Унинг тарихи билан қизиққанмизда Шундай тадбир би-

ригабот ишларини сайловчининг вакиллари бажаришади. Энг кўп овоз олган талабани университет талабалари президенти рақсга сайлашади. У йил давомида талабаларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилади. Универси-

Улар иложи борича спорт билан шугуллашишга ҳарқат қилишади. Америка ёшлари 16 ёшдан кейин эркин бўлишни хоҳлайди. Ота-онага тобе бўлмасдан ўзлари учун ҳарқат қилади.

ҳар бир халқнинг асрий орзуси ва буюк тарихий ютуғидир. Бу орзуға етганлар бор, етмаганлар бор. Мустақиллик бизга нима берди? Озодлик туйғусини ҳис этамаган одам бу саволга жавоб бериши қийин. Шахсан мен учун мустақиллик жуда кўп нарса берди. Авваламбор, у Ватан туйғусини пайдо қилди. Чунки, ўшангача Ватанни ҳар бир кишига тарихан ва тақдиран ато этилган юрт деб тушунардим. Мустақилликдан кейин, Ватан нафақат тўғилиб ўсган юрт, балки бу олий туйғу эканлигини ҳам ҳис этдим. Яъни бир киши ёмон гапирганда жаҳлнинг чиқади. Бошқа киши мақтаганда гуруринг ортадиган, ва умуман, номини эшитганда, (айниқса ўзга юртда) юрагинг жиз этадиган туйғу эканлигини тушуниб етдим.

Мустақиллик шарофати билан АҚШда таҳсил олиш имкониятига эга бўлдим. Буни мустақил юрт бўлмаганимизда тасаввур ҳам қилолмасдик.

Ватан туйғусини юракдан ҳис қилган бугуннинг ёшларидан миллатнинг умиди қатта. Улар қайси соҳада меҳнат қилмасин, шу азиз юрт жамолини дунёга танитади. Жонажон Ватан байроғини голиблар майдонида тик қўтаради. Ўзбек фарзандлари деган номга ҳеч қачон доғ туширмайди. Бу, бизнинг ёшлар...

**Зиёда АШУРОВА, Жўрабек РАҲМАТУЛЛАЕВ, "Туркистон" муҳбирлари**

## АЗИМЖОН АМЕРИКАГА ЙЎЛ ОЧДИ



да ўқийдиган талаба "С" дан паст баҳо олиши мумкин эмас.

— **Техас университетининг нуфузи АҚШда қандай?**

— Техас университети АҚШ олий ўқув юртлири ичида учинчи ўринда туради. 42 мингдан ортиқ талабаси бор. Мутахассисларни ўз касбининг моҳири қилиб тарбиялашда бошқа университетлардан ажралиб туради. Кўпгина мусобақаларда голибликни қўлдан бермайди. Шунданми, унинг нуфузи ривожланган давлатлар орасида ҳам баланд.

— **Сиз ўқиган университетнинг қандай аънавалари бор?**

— Университетда ҳар йили футбол мусобақалари ўтказилади. Ундан

ринчи бор бундан тўқсон йил олдин ўтказилган экан. Шу-шу бу аънава ҳалигача давом этади. АҚШ олий ўқув юртлиридаги рамизий белгилар ҳам жуда қизиқарли. Масалан, Техас университетининг белгиси, марун, яъни тўқ қизғиш рангда бўлиб, у талабаларнинг кийимида бўлади. Бошқалар унинг қайси университетдан эканлигини тезда ажрата олишади. Университет байроғи ҳам шу рангда.

— **Эшитишимизча, университет талабаларининг Президенти бўлар экан. Бу лавозимга ким тайинланади?**

— Тўғри, ҳар йили сайлов орқали талабалар орасидан бир неча номзодлар қўйилади. Та-

**"Умид" жамғармаси йўлланмаси билан бутун мамлакатимизнинг билимли, зукко ёшлари дунёнинг ривожланган мамлакатлари олий ўқув юртлирида таҳсил олмақда.**

— **Хорижда таълим олиш бахти ўз вақтини беҳудуга сарфламаган ёшларга насиб этади, — дейди бугунги қахрамонимиз суҳбатимизнинг дебосасида.**

**Азимжон Назаров — 1976 йил Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни 1992 йилда олтин медал билан тамомлаган. Ва ўзи орзу қилган Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг гидромелиорация факультетига ўқишга кирди. 1996-97 йилларида Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори. 1997 йил "Умид" жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтган Азимжон АҚШнинг Техас университетига экология ва сув ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттирди. Ва яқинда магистрлик унвони билан ўз она Ватанига қайтиб келди. "Умид"нинг биринчи қалдирғочларидан. Инглиз, рус тилларини компютерни муқаммал билади.**

тет тадбирларини ташкиллаштиради. Талаба муаммоларини ҳал этишда университет президенти, яъни ректорга чиқиб арз қилади.

— **Америка ёшлари ҳақида таассуротларингиз?**

— Талабалари асосан ўзимизникига ўхшаган. Билимга интилишади, ёш бўлсам-да барча нарсани ууддалайман, деган ақидаға ривож қилишади.

Ўқишига ҳам давлат томонидан кредит олиб ўқийди. Муҳими вақтининг қадрига этади. Соат мили дунёда тенг бўлса-да, Америкада кун тез ўтади. Сабаби қилинадиган иш кўп.

— **Мустақиллик ва Ватан туйғусини ўзга юртда туриб ҳис қилиш, унга нисбатан соғинч туйғусини кучайтира керак.**  
— Мустақиллик — бу

### Таълим ислоҳоти

## ОРЗУМИЗ — БАРКАМОЛ ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Президентимиз йиғинларнинг бирида "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деб таъкидлаган эдилар. Менимча, ушанда Юртбошимиз ана шу гаплари билан мамлакатимиз педагогларининг зиммасида катта масъулият борлигини англашиб ўтгандилар. Яъни мустақилликнинг академиягача бўлган барча таълим муассасаларида ишлайдиган доимлар янги авлоднинг тарбиялашда бутун салоҳиятларини ишга солиб ишлайдилар. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан келиб чиқадиغان ушбу ҳаётий вазифани ууддалашда Қарши муҳандислик-иқтисодий институтига ҳам бир оиланинг фарзандларидек елкани-елкага бериб, чин кўнгилдан ишлайшапти.

Бугунги кунда вилоятимизда йирик илм масканларидан бирига айланган бизнинг олий даргоҳимиз 1995 йилдан бошлаб Тошкент давлат Техника университети Қарши филиали неғизида Қарши муҳандислик-иқтисодий институтига сифатида воҳамиз халқ хўжалигини кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Айни пайтда институтимизнинг "Агроинженерия", "Технология", "Иқтисодий", "Муҳандис-техника" ва "Фундаментал ва гуманитар фанлар" факультетларида жами 2757 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларга 22 та кафедранинг 200 дан ортиқ профессор, жумладан, 8 нафар фан доктори, 110 дан ортиқ фан номзодлари 28 йўналишдаги мутахассислар билан бундан асосий ва гуманитар фанлардан пухта билим беришмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, институтимизда мустақиллик даврида халқаро микёсдаги алоқалар яхши йўлга қўйилди. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германиядаги йирик университетлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганлиги боис талабаларимиз хорижда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлди. Бундан ташқари институтимиз жамоаси "Тасис темпус" Европа халқаро дастури грантини олиб, жаҳонда энг йирик туртта олий ўқув юртининг бирига айланди. Институтимизда чет тиллар маркази анчадан буён ишлайпти. Нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар ҳам чет тилини ўрганишга киришиб кетишди. Чунки марказда Америка тинчлик корпуси аъзолари А.Монти ва К.Худоклар дарс беришади. "Тасис темпус"нинг "Информацион технологиялар соҳасида магистрлик курсини ишлаб чиқиш, шу соҳада ўқитувчилар таъкидлаш" номли халқаро дастурига асосан бир нечта ўқитувчиларимиз Голландия ва Германия давлатларида малака ошириб қайтидилар. Шунингдек, институтимизнинг бир неча олимлари "Устоз" жамғармасидан хорижда малака оширишга бориб қайтишди.

Хуллас, жамоамиз ҳали халқимиз олдидаги қарзини уудланган йўқ. Чунки Президентимиз айтганларидай, ҳар тарафлама баркамол шахсларни тарбиялашда олиб бораётган ишларимиз кўламини кенгайтириб, салмоғини ошириш вазифаси олдимизда турибди.

**Муродулла НОРМУРДОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти ректори, профессор**

Соғлом авлод — буюк давлат таянчи

У ўз аллалари билан ўғил-қизини Ватанга фидо қилиш, халққа муҳаббат руҳида тарбиялади. Жалолдиннинг фожавий тугалланган умри ҳам тарих саҳифаларида жасоратнинг мислисини сифатида муҳаббат руҳида қолди. 1221 йил 25 ноябрда ўғли Жалолдиннинг Синд дарёси соҳилида душман қўрқовига тушганида, "Уғлимга юк бўлмайин, халос бўлишига имкон берайин", - дея ўзини дарёга отди. Келинлари ва невараларини эса ўғли "Душман қўлида хор бўлишмасин, қулликдан улим афзал", дея жарга улоқтирди. Хоразмшоҳ Жалолдиннинг онаси Ойчечак ноини бир умр эъзаозлаб хотирлади. Ойчечакнинг қизи Хонсултон эса эркаклар билан бир сафда туриб, мўғулларга қарши жанг қилди. Хатто Чингизхон ҳам Ойчечакнинг фарзандларига тан берганди.

дан туғилган фарзанд, яъни Баҳоуддин қадами шарофати билан у туғилган мавзе Қасри Ҳиндувон эмас, Қасри Орифон деб аталадиган бўлди. Онаси руҳияти таъсирида Баҳоуддин ориф даражасига етиб, илоҳий илмларни ўрганиди ва ўзгаларга ҳам уларни етказди.

Бу фозила, покиза аёллар ҳақида манбаларда шундай таърифу тавсифлар кўп. Уларнинг юзларидан нур ёйилган. Нур шунчалик кучли бўлганки, қоронғу ўрни ҳам ёритган. Бу албатта, рамзий маънога эга бўлган чунки фалсафий фикрлар. Уларнинг юзларидан ёйилган нур илму ирфон, маърифат нури, қоронғу уй эса жоҳил одамларнинг қалбларидир.

ди баёр — "Қўл ишда ва қалб тангри зикрида" шорири ҳам она тарбияси асосида камол топган.


ши вилояти ҳоқими эди. Негила Бегим Амир Жоку қўлида ўн икки йил яшайди. Амир уларга алоҳида жой қуриб берган эди. Негила Бегим шу даражада тангрига тоат-ибодат билан шуғулланадики, натижада ҳар беморга даво ато этиш даражасига етишади. Ҳар жойдан беморлар қелиб, ул зоти шарифанинг дуосидан шифо топади.

Амир Темурнинг суюкли хотини, замонасининг энг маърифатли, оқила аёллардан бўлган Бибиҳоним жаҳонгир Темур бобомиз билан узок ҳарбий сафарлар машаққатини тенг тортган. Деярли барча темирйоздалар тарбияси билан шуғулланган. Унинг топқирлиги, донолиги

ушалмаган орзу-ниятларини кўпроқ Соҳибқирон набираларига бағишлаган. Унинг тарбиясини олган набиралар она-тупроқни боқиб туриш, ҳақ-адолатни қарор этиши, шаҳарлар, боғлар бунёд этиши, ариқлар қазishi, илм-фан, адабиёт ва санъатга ҳомилик қилиш билан бирга, мард ва жасур, кўрқмас йигитлар бўлиб улғайишган.

Нақшбандия тариқатидан баҳраманд бўлган Машраб ҳаётга оид манбаларда ҳам ибратли бир нақб бор. Онаси бир дона узумни сўроқсиз еганида, вужудига оғриқ қиради. "Эй, сен Тангри яратган махлуқ, холиқдан ярамдиндигми — эгасини рози қилмасдан бу нарсани единг" деган нидода ҳам бир рамз бор. Нақшбандия таълимотида дунёга ёйган XIX асрда яшаган Мир Ҳамза Нигорий Қорабоғий онасининг шундай сўзлари бор: "Мен "Бисмиллоҳ" сўзини яхши ният, покизалик, маърифат, илм зиёси маъноларида тушуниш мақсада мувофиқ бўлар эди.

# Буюкларнинг онаси — ватан



**Халқимиз тарихини қузатсангиз унинг энг катта, энг гўзал қисми таълим-тарбия тарихидан иборат. Ўзбек оналарининг, ўзбек аёлларининг фарзандларни тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериши бутун бошли алоҳида тарих. Нафақат тарих, балки биз учун ҳам жуда катта мактабдир. Ушбу мактаб сабақларини олиш бугунги кунда ҳам жуда ақсолади.**


**Бир тарихий мисол. Бундан 800 йил муқаддам Парвардигор инояти билан Жалолдиннинг паҳлавон ўғлини дунёга келтирган оддий қишлоқ қизи Ойчечак фарзандлари (Хонсултон исмли қизи ҳам бўлган) қониға кўкрак сути билан бирга юртининг нафасини, меҳр-муҳаббатини, озодликка бўлган буюк соғинчини ҳам сингдира олди.**

Фарзандлар ҳам ҳар доим хотинлар, аёллар истагани каби бўладилар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилат ургатингиз, деган гаплар ростилини ҳаёт исботлаган... Инсонларнинг саодатлари тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия ҳам асосан аёллар қўлида. Шу боис умуман халқни тарбияли қилиш учун аёлларни тарбияламоқ ҳамда шу тарбияни болаларга ҳам бера оладиган даражада олиб бормоқ лозим... Эро, онасидан олган тарбияни бола умри борича унутмайди.

Демак, бугунги аёлларимиз мустақил мамлакатимизни жаҳонга танитадиган фарзандларни дунёга келтиришлари учун тарихдан ибрат олишлари керак.

Буюк фарзандларни буюк таълим-тарбия воёга етказди. Халқимиз эса жаҳонга ибрат бўлиш тарбия мактабига эга. Ушбу мактабнинг доно муаллимлари фозила, маърифатли, оқила, доғишман аёллар бўлишган. Уларнинг тарбиясини олиб улғайган улуг ота-боболаримиз халқимиз ноини, Ватанимиз номини жаҳонга ёйганлар. Бундай оқила аёлларимиз эл-юртининг тимсолига айланган. Ҳа, барча улугларимизнинг, буюкларимизнинг онаси — шу муқаддас Ватанимиздир.

Дилбар САИДОВА



Бундай Д. Ҳайитбоева

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

## Ўзбекистонни танлашдан мақсад нима?

Ақсинча, улар ғайриқонуний, керак бўлса, ғайриқонуний уюшма сифатида рад этилган, қувғин қилинган, раҳнамолари дорларга осылган, қамоқларга ташланган.

# Янги ниқобдаги ёвуз ниятлар

**Бизнинг мамлакатимизда "Ҳизбут-тахрир" чиларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ғоялари озми-кўпми тарқалаётганлигининг сабаби нимада? Сабаби шундаки, юқорида айтилганидек, ўзларини чин мусулмон санган ва бутун инсониятни чин мусулмонга айлантиришни орзу қилган бу босқинчилар тўдасининг ғоя ва мақсадлари биронта ислом мамлакатига қабул этилмаган.**

бўлиш шароитида воёга етган авлоднинг ўз йўлини ва мақсадини белгилаётган ўтиш даврида ўз таъсирларини ўтказишга катта умид боқлаганлар, уларни жамиятга ва тузумга қарши қайраб, ўзларига тарафдор ортиришгани, уларни ўз халқига қарши қуролга айлантириш асосий мақсад қилиб олганлар. Афсуски, шундай ёшларнинг борлиги, айримлари эса уларнинг сафига қўшилгани, измига юргани, "Ҳизбут-тахрир" чиларнинг ишончини ортирган ва дадилроқ ҳаракат қилишга ундаган. Утган 16 февраль воқеалари айнан ана шундай қимсалар қўли билан содир этилган.

янгича иқтисодий шароитларга мослаша олмаётган табақаларнинг кўнглида давлатдан, жамиятдан норозилик туйғусини кучайтириш орқали ўз сафларини кенгайтиришни режалаштирганлар.

## АДАШГАН ВА АДАШМАГАНЛАРГА БИР СЎЗ

Тилимизда "ватанфурӯш" яъни "ватанини сотган", деган хун бир атама бор. Элига, юртига хиёнат қилганларга ана шундай муҳим тағма босилади.

## МАРКСНИНГ ҚАБИҲ БАШОРАТИ

Коммунистик мафкуранинг отаси — Карл Маркснинг "дин — афёндир", деган сўзи турли динларга эътиқод қилувчи барча жамоаларнинг бирдек нафратини кўзагагани ҳаммаимизга маълум. Ай-

## Огоҳликка даъват

бўлади. Узоқ вақт билан душманнинг этагини тутган, ўзга тупроқларга улоққан, ўша томондан она юртига мушт ўқталган, ўқ отган қимса тўғри маънода ҳам ҳаром ўлади — чунки, пайти келганда унинг жасадини етти ёт бегоналар сасиб, ҳавони бўлғамаслиги учун бирорта чўқургами, эски гўрғами, бир амаллаб тикади, устига тупроқ тортади. Оқибатда ватангадониинг тентираган арвохи ота-онасининг, ёр-оғайни, ака-укаларининг фотиҳа тиловатларидан, элнинг таскин-у тасаллиларидан то қийматгача бебаҳра қолади, номи сўнади, чирғоғи ўчади.

Иккинчидан, Шўро тузумининг охириги йилларида юз берган парокандалик тубайли жамиятда юз берган мафкуравий

ниқса, дунё мусулмонлари, шу жумладан йисом-эътиқодчи ҳамма нарсидан юксак тутадиган халқимиз ҳам бу иборани даҳрийликнинг энг қабиҳи шiori деб билди.

Ана шундай қимсаларнинг касофати тубайли дунёнинг олис-олис худудлариданги нашавандлар, ғийбатчилар бугунги кунда мусулмонларни энг ўткир кайф берувчи моддаларни ештирирувчи, тайёрловчи ва жонини хатарга қўйиб етказиб берувчи жамоа сифатида танимоқда.

Онаси билмагани Ватанини билмади. Ватани билмаган Аллоҳ таолони билмади. Аллоҳ таолони билмаган кимсанинг эса ҳукми маълум.

Бахтиёр РИЗО



**Мактубларим**

**ШАФҚАТ ГУЛЛАРИ**

(Фароғат КАМОЛОВАнинг "Ҳолатлар" китобини ўқиб)

Айрим шоирлар шон-шухратдан илманиброк яшайдилар. Мен уларни хокисор юлдузлар туркуми остида туғилганлар деб атайман. Уларнинг шеърлари ҳайратли бўлмасда, "жимликларга кирди овози билан"... Ана шундай вазминлик туркумидаги ҳассос шоирлар бор дунёда.

Сизнинг китобингиз руҳдан ёмғирларнинг шигалаб ёғаётганидаги овози, тупроқнинг ҳиди, гулларнинг ифори келади. Бу ифор "юрагимизга туташ болганган ишқинг томирлари" қадар етади, унда "тарқай олманган туманлар" бор. Улар менга кузни, куз ёмғирини соғинтиради.

Мен сизнинг шеърларингизни ичимда ўқийман, ичимда ёлдаман, юрагимда айтаман. Ва яна фақат кузда айтиб юраман, кузги тилловатим улар меннинг...

**Бир гул ўлмоғича фурсат ўтибди,**  
**Бир ишқ ўлмоғича бу муҳлат етмас.**

Бу сатрлардан сўнг хазонлардай тўкилади руҳимдан азоб, "хазон гулшанига тадориклар" кўриб айтаман мен уларни...

"Билман, балки шундай битар номуноси дўст", деб шивирлайди мисралар. У ҳамман — хиёнат руҳини ҳам вазмингина кечириб қўяди.

**Шафқат қила олмас ҳеч ким гуллардек.**  
**Душманни қилида ҳам очилиб кетолмас**

**Гуллардек ҳеч ким.**

Мен шеърларингиз руҳини ўша шафқатли гулларга ўхшатаман, ўлим билмас гулларга!

**Гулжамол АСКАРОВА**

**Сирдош**

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Андижонда "эшик сўпурди"га келган аёллар гилам остини кўтариб қараб, ўчоқ боши ва ҳожатхона тозалигини кузатсалар, қашқадарёлик совчилар оёқ кийимларининг тартиби, ҳовли тозалигини, дастурхон астарининг авраги

Уйланаётган йигит тўйгача қайнотаси, қайнонаси ва қизининг яқин оғайниларида "қочади". Яъни куёв улар бор жойга бормайди. Улар бор хонага кирмайди, улар билан бўлган дастурхон атрофида ўтирмайди, бирга овқат емайди. Улар билан саломлашмайди. Нохосдан йўлда рўпара келиб қолса, куёв йўлнинг бир эк-

томон рози бўлса, келган со-вчига бир белбоғга иккита нон ва озорқ ширинлик ўраб бериб юборади. Куёв томондагилар никоҳ белгиси сифатида қуймоқ қилиб, оз-оздан қўни-қўшилларга улашади ва "ўғлимизни уйлантирдик, палончи қизининг рўмолини олдиқ", деб айтади.

Шундан кейин қудаларнинг

мош тушган тушмаганини, сўпурдининг қай ҳолда тургани билан қизиқишади.

Самарқандда келиннинг каштадўзлиги, чеварлиги билан қизиқсалар. Наманган ва Фарғонада чойшаб, сочик, қурок қилиши, тўн, нимча, камзул, қийқ, дўппи тикиш санъати билан қизиқадилар. Тошкентда эса совчилар олдида қиз дастурхон ёзади, нон-чой келтиради. Шу билан унинг оёқ олишини, одобини синашди.

Шунинг учун ҳам келин танлашда "Қобуснома"да дейилганки: "Хотиннинг табиати тоза, дили тоза бўлса, эрига дўст бўлмай. Хаёли, тақводор, тили қисқа, ўзини тута оладиган, молни яхши сакловчи бўлиши лозим". Халқимиз ана шу одатга амал қилиб келин танлаган.

Совчи 2-3 келгач, куёв томонни сўраб-суриштириб ишонч ҳосил қилгач, икки ёшни учраштириб, бир-бирларига маъқул бўлишини билиб, уларнинг розилигини олиб, белги сифатида нон синдирадилар. Унга қўни-қўшиллар, қариндошлар, ёр-биродарлар айтади.

Баъзи жойларда аввал рўмолини берибди, деган одат ҳам бор. Бунга қўра, қиз

келишувига мувофиқ маълум бир кун белгилаб унда фотиҳа тўйи берилди. Фотиҳа тўйи унча катта бўлмайди фотиҳа тўйида куёвнинг қариндошлари, совчи, қўни-қўшиллар иштирок этади. Бу кун нон синдирилади. Бунинг учун икки жуфт нонни патнисга солиб, ширинлик билан бирга олиб келинади. Нонни "бир никоҳли, қўш хотин олмаган, хотин олиб хотин қўймаган киши синдирисин", дейишади. У олдин фотиҳа ўқийди: "Алхамду лиллоҳи роббил аъламин, қўшганлари билан қўша қаришсин, нондек азиз бўлсин, серфарзанд бўлсин, Парвардигор, ўзинг уларнинг юлдузини бир-бирига иссиқ қилгин. Омин", деб нон синдирилади.

Ушатилган нонлар патнисга солиниб, дастурхон атрофида ўтирганларга узатилади. Улар ният қилиб бир бурда нон ва бир жуфт ширинликдан олади.

Нон синдириш маросими тугагач, қудаларга, меҳмонларга зиёфат берилди. Зиёфат охирида келиннинг ота-онаси со-вчига чопон, ёнидагиларга қўйлак, белбоғ ёки бошқа нарсалар қўйиб қудаларни сийлашади. Ана шундан кейин икки кудра орасида борди-келди бошланиб, катта тўйга тайёр-гарлик кўрилади.

**Кудратилла ҲАЙДАРОВ**

**ЭЛЧИГА ЎЛИМ ЙЎҚ, СОВЧИГА ҲАМ...**

касига, бирор пана жойга ўтиб, улар ўтиб кетгунча кутиб туради.

Бу куёвнинг шу оилага бўлган иззат-икромни ҳисобланади.

Келин бўлиб тушаётган қиз ҳам худди куёв йигит каби тўйгача куёвнинг ота-онаси ва қариндошларидан ўзини четга олиб юради. Қудалари бор тўйга, маъракага, меҳмондорчиликка бормайди. Улар ўтирган хонага кирмайди.

Келин ҳамша бошига рўмол ташлаб юзини берки-тиб юради. Бу одат тусига айланган иззат-икром рамзидир.

Катта тўйгача орада байрам, сайил, ҳайит тўғри келиб қолса, куёв томондагилар келиннинг "байрамлик", "ҳайитлик" юборади. Бу байрам билан келин табриклаш ҳисобланиб, унда келиннига қийимлик, туфли ёки жемпер ҳамда ширинлик 2-3 кг. ҳолва, конфетлар юборади.

Қиз томондагилар келган байрамлик ёки ҳайитликни қўни-қўшилларига, оғайнилари-га оз-оздан бериб: "Қизимизга ҳайитлик ёки байрамлик келди", - деб айтишади, байрам хурсандчилигини бирга баҳам кўрадилар.

**Кудратилла ҲАЙДАРОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига 2000-2001 ўқув йилига қуйидаги таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилади.**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей:

Таълим йўналиши

1. Аниқ фанлар (физика, математика)
2. Табиий фанлар (химия, биология)
3. Иجتимой-гуманитар (хуқуқшунослик, ўзбек филологияси)
4. Хорижий филология (инглиз, немис тиллари)
5. Иқтисодиёт.

Қарши давлат университети қошидаги академик лицей:

Таълим йўналиши

1. Табиий илмий йўналиш (аниқ фанлар)
2. Иجتимой-гуманитар йўналиш (хуқуқшунослик, ўзбек филологияси)
3. Хорижий филология (инглиз, немис тиллари)
4. Иқтисодиёт.

**Қамаши педагогика иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи**

| код    | Йўналиш номи                          | Мутахассислик номи   |
|--------|---------------------------------------|--|
| 080001 | Мақтабгача таълим муассаса тарбиячиси | Болалар мақтабгача таълим муассасалари тарбиячиси. Мақтабгача оилавий таълим ўқитувчиси                              |
| 080004 | Ўқитувчи-тренер                       | Бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси. Мақтабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича тарбиячи     |
| 100005 | Бухгалтер                             | Бюджет ташкилотлари бухгалтерлари. Ўрта ва кичик корхоналар бухгалтерлари. Қишлоқ хўжалиги корхоналари бухгалтерлари |

**Қарши саноат касб-ҳунар коллежи**

| код    | Йўналиш номи   | Мутахассислик номи   |
|--------|--|--|
| 015024 | Нефт-газ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича уста                              | Нефт-газга қайта ишлаш ва нефт кимёвий ишлаб чиқариш аппаратчиси. Ишлаб чиқариш техникавий таҳлил қилиш бўйича химик лаборант                                      |
| 010007 | Назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматикага хизмат кўрсатиш ва йиғиш бўйича уста | Назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматикани йиғувчи. Назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматикани соловчи назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматикани таъмирлаш бўйича чилангар |
| 016001 | Кимёвий ишлаб чиқариш устаси   | Кимёвий ишлаб чиқариш аппаратчиси. Кимёвий таҳлил лаборанти. Лаборант-эколог   |
| 100004 | Молия агенти   | Корхоналар бўйича молия агенти. Жисмоний шахслар бўйича молия агенти. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бўйича молия агенти  |
| 015022 | Нефт ва газ қудқларини ишлаш бўйича уста бургуловчи                          | Нефт ва газ қонлари ускуналарига хизмат кўрсатиш агрегатлари машинисти. Нефт ва газни чиқариш бўйича оператор  |

**Қарши политехника касб-ҳунар коллежи**

| код    | Йўналиш номи   | Мутахассислик номи  |
|--------|--|---|
| 040003 | Дарадгорлик ва паркет ишлари бўйича уста                                       | Курилиш дарадгори. Дарадгор. Ойна солувчи.Паркетчи.   |
| 050001 | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатилиш бўйича уста                 | Сув таъминоти ва канализация жихозларини ўрнатувчи. Сув таъминоти ва канализация тизимларини таъмирлаш бўйича чилангар. Электргазпайвандчи. "В" ва "С" тоифадаги автотранспорт хайдовчиси |
| 050002 | Газ таъминоти тизими жихозларини ўрнатилиш ва таъмирлаш бўйича уста            | Газ таъминоти тизими жихозлари бўйича монтажчи. Газ таъминоти тизими жихозларини таъмирлаш бўйича чилангар. Электр газ пайвандчи. "В" ва "С" тоифадаги автотранспорт хайдовчи             |
| 011003 | Электр тармоқлари ва жихозларини ўрнатиш бўйича уста                           | Кабель тармоқлари бўйича электромонтажчи. Еритиш тармоқлари электромонтажчи. Қурилиш тармоқлари ва электр жихозлари бўйича электромонтажчи  |
| 020001 | Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича уста | Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар. Автотранспорт электр жихозларини таъмирлаш бўйича электрчи. Автотранспорт воситалари хайдовчиси       |

**Қарши қурилиш касб-ҳунар коллежи**

| код    | Йўналиш номи  | Мутахассислик номи  |
|--------|---|---|
| 10005  | Пайвандлаш  | 1. Автоматик ва ярим автоматик электр пайвандчи.<br>2. Дастали электр пайвандчи.<br>3. Газ пайвандчи.   |
| 040001 | Қурилиш пардозлаш ишлари                                    | 1. Қурилиш бўйичаси, сувоқчи, кошкор, мармарчи, пардоз берувчи  |
| 050004 | Уй-жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш | 1. Уй-жой ва жамоат биноларини мол-мулкнинг ҳисобга олиш бўйича назоратчи, кўчмас мулк бўйича кадастр назоратчиси, электрон ҳисоблаш машинани оператори |
| 040008 | Юк кўтариш тракторлари ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш  | 1. Автомобиль кранлари ва қовловчи машиналарни машинисти, машина ва механизмларни таъмирлаш устаси, автогрейдер машинисти, автокомпрессор машинисти.    |
| 100005 | Бухгалтерия ҳисоби  | 1. Бюджет ташкилотлари ҳисобчиси<br>2. Ўрта ва кичик корхоналар ҳисобчиси<br>3. Қишлоқ хўжалиги ҳисобчиси   |

**«Сўнги устун» хабарлари**

**КАТАКХОНАДАН ТОПИЛГАН ОҒУ**

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан шу туманининг Навоий кўчасида яшовчи Ирик Султонов ва Пушкин кўчасида яшовчи Пўлат Садриддиновларнинг ўзаро жиноий тил бериқтириб, Тожикистон Республикаси фуқароларидан олган катта миқдордаги героин гиёванд моддасини ўзлари ижарада турган уйнинг товуқхонасида сақлаётганлиги аниқланди.

Ҳар хил эски-туски буюмлар орасига 47 дона елим халтачаларга ўралган бу захри қотилнинг жами оғирлиги 27 килограмм 968 граммни ташкил этди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Шухрат РЎЗИЕВ,**  
**ИИБ Матбуот маркази ходими**

**А Ё Л**

**ФОЖЕАСИ**

Гиёвандликка қарши кураш ҳозирги долзарб муаммолардан бири эканлиги барчага маълум.

Бу ишда эса аёлларнинг иштироки ҳамман ҳайратга сомоқда. Аёлларнинг гиёвандликка аралашувини чинакам фожеа десак бўлади. Нефес исканжасида ўзини оқиз тўтганлар ёки бўлмас турмуш сўқмоқларда ўткинчи қўни-қўшилларга бардош бера олмаганларга шу ишга қўла ураллар. Наҳотки нефес жоловини маҳкамроқ тутуш, турмушда учраб турадиган қўни-қўшилларни ўз меҳнати, бардоши билан енгиз бизнинг айдирм эътиборингизга қўладан келмаётган бўлса?

Ўзбек аёли неча-неча машаққатли дамларда ўзининг борлигини фарзанда, дилбандига бағишлаб, жаҳонга етуқ инсонларни тарбиялаб бериб, бутун инсониятни лол қолдирган. Агар тарихга назар ташлагувдек бўлсак, ҳеч бир миллат аёллари эришмаган муваффақиятларга, эффарларга бизнинг ўзбек аёллари эришганлар. Қанчадан қанча ўзбек миллатига мансуб олим, фозила аёллар бу дунёдан утмаган, дейсиз.

Шундай экан, ўзини буюқ ўзбек аёлман деб, фахрланиб юрган ҳар бир аёл ўзининг ўзбекиликка солиқ қолсин.

**Муҳаббат РАҲИМОВА,**  
**Тошкент**

**Ғ А А Д И**  
**Ғ А П А Д Р**

— Хотиним "Агар яна бир мартаба менга хиёнат қилсангиз, ўзимни ўлдирман", деди. Шундан буён унга ҳеч нимани айтмайман. Бунинг натижасида уни етти бор ўлимдан асраб қолдим.

\*\*\*

— Хотинимни ташлаб кетмаётганимнинг асосий сабаби оз бўлса-да виждоним борлигидандир. Ахир, унинг маошига яшаб келаётганим ҳам ростда.

**Қутлов**

Абдурасул ақанинг газета тахририятларига серкатнов эканлигини четдан кузатган киши, бирон шикоят билан юрган бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Аммо, камтарин бу инсоннинг кичкина суратга каттақон муаммони "миндириб" ҳар бир газета йўналиши бўйича тарқатиб юганини камдан-кам одамгина билади. Умри оқар дарё дегандек, буни қарангки, барчамизни қарикатуралари билан қулдириб юрган, қадрдон ақамиз Абдурасул Ҳакимов олтмиш ёшни уриб қўйибди. Ҳазилнома "ижодингиз энди гуллади-ку", десак "Олтмиш ёшнинг меваси ширин бўлади. Ишонмасанглар татиб кўринглар", деб ҳар галгидек бизга аталган улущини қолдириб кетади.

Биз эса ақамизга юз ёшнинг меваси қандай бўлишини ҳам татиб кўринг, деб ният қиламиз.

**"Туркистон"чилар**

**ЁШНИНГ ОЛТМИШ МЕВАСИ**

YANGI SABZUBTLAR

Изоҳга ҳоҳамиз йиқ...

Ақил эр

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**2000-2001 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилади.**

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:**

Иқтисодиёт; менежмент; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологияси; агрономия; агроф-муҳит химияси; ер тузиш ва ер кадастри; касбий-педагогик тайёргарлик (электр энергетикаси; агроинженерия); сўв хўжалиги ва мелиорация; агроинженерия; нефть ва газ иши; иссиқлик энергияси; электр энергетикаси.

**СИРТКИ БЎЛИМГА:**

Иқтисодиёт; менежмент; ер тузиш ва ер кадастри; касбий-педагогик тайёргарлик (агроинженерия) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-ни ишлаб чиқариш, бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологияси; агрономия; агроинженерия; сўв хўжалиги ва мелиорация; нефть ва газ иши; иссиқлик энергетикаси.

**Аризалар 2000 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**

Ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ўрта ёки ўрта-маҳсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3х4 ўлчовли 6 дона фотосурат;

Тест синовлари 1 август кунини ўтказилади.

**Манзилимиз: 730000, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 225-уй.**

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ**

**Спорт**

**Полвонларимиз галабаси**

Франциянинг Нант шаҳрида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида юнон-рим кураши ва эркин кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Бу чемпионатда юртимиз шарафини саккиз нафар спортчи ҳимоя қилди. 60 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Дилшод Мансуров ёшлар ўртасида жаҳон чемпионини унвонига сазовор бўлди. У 1998 йил Москвада бўлиб ўтган Биринчи Жаҳон ёшлар ўйинларида илк бор чемпион бўлиб, жаҳон экспертлари ва мутахассислари назарига тушган эди.

Шунингдек, Отабек Пардақулов тўртинчи, Талгат Ильясов бешинчи ўринни эгаллаб, энг яхши бешликдан ўрин олди.

Юнон-рим кураши бўйича ўтказилган мусобақаларда 50 килограмм вазн тоифасида Махамат Мадаминов қумуш медал совриндори бўлди. 76 килограмм вазн тоифасида иштирок этган юрдошимиз Юрий Витт эса бронза медали билан тақдирланди.

(ҲА)

**Туркистон**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛ» ЖАМГАРМАСИ

**Бош муҳаррир Салим АШУРОВ**

**Тахрир хайъати:**  
Ҳотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазжон СОДИҚОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Назриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Гаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

**Манзилимиз:**  
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Мухбирлар 133-95-97  
Хатлар бўлими 133-79-69

**Навбатчи муҳаррир Гулжамол АСКАРОВА**

Тахририятга юборилган материаллар қабул қилинмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқлангани мумкин.

**«Шарк» нашриёт-матбаа концерни бошқармаси**

**Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41**

Буёртма Г. — 610.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012.

Офсет усулида босялган.

Қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти-20.00

Топширилди-21.00

1 2 3 4 5 6